

# الحكم تقود إلى السعادة

«Хикматлар – саодатга етаклар»

**Иккинчи китоб**

**Тузувчи ва таржимон:**  
Анвар Аҳмад

Тошкент:  
2015 йил

## ТАҚДИМ

Ўзининг илоҳий ҳикмати илин инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа маҳлукотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни вахий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикили Расулимиз Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайхи васалламга айтган ҳикматлари ададиша салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз ҳузуридан рух пуллаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа маҳлукотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги акл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина аклий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ рухнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбdir. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустахкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналиқ», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайх Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан нақл қилади: «Ҳикмат – акл, фаҳм ва топқириликдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Мұжкамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг кўплари ҳикматга қўйидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўzlарга, иш-холатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи кўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Куръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

**«Батаҳқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким куфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ганий ва мақтовга сазовор Зотдир»** (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айrim ҳикматли сўzlарини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Куръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Куръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

**«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласиган, сизларни покладиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик»** (Бақара сураси, 151-оят).

Ха, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўzlари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қиласиганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Йомом Ғаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишига, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиласидаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хulosасини тақдим қиласиди.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб беришибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хulosаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр бахш эта оловчи китоблар ичидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳалқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиши бошқа ҳалқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаган устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, [www.arabic.uz](http://www.arabic.uz) сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлилардан илҳомланган мухтарам таржимонимиз интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қиласиди. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиши учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон кўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зерикунингизча сиздан аrimайдиган энг вафодор дўстдир, сухбатдошdir. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-куватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини

тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга маҳсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи ҳалқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан қўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қўйидаги интернет сахифаларидан олинганини айтади:

- (1) ثقہ نفسك
- (2) کلام من القلب
- (3) خذ الحکمة
- (4) بستان الحکماء
- (5) ثقافة حول العالم
- (6) الموسوعة بوك
- (7) ثقافة وعلوم
- (8) حکمة الیوم
- (9) عجائب وغرائب حول العالم
- (10) أقوال أصحابي
- (11) كنوز من الحکمة
- (12) ذكر الله
- (13) عذب الكلام
- (14) عالم الثقافة والمعرفة

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга кўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зоро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчидаги таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хуласа шаклида таржима қиласиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида хусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мухтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оилавий баҳт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «Ҳикматлар – саодатга етаклар» "الحکم - تقدیم إلی السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришлирида Ўзи мададкор бўлсин.



223. Аллоҳга осийлик қилмаган кунинг энг гўзал кунингдир...



224. Қалбингда Аллоҳга мұхабbat катталашгач, барча нарса арзимас бўлиб бораверади!



225. Бир мақсад томон секин-аста бўлса ҳам юриб боришинг мақсадсиз юрганингдан афзал...



226. Роббим! Гуноҳларим қалбимни эзса, унинг кечирилишини мен учун осон қилиб, қалбимни шод айла!



يستطيع الإنسان أن يكون  
من أكثر المخلوقات سعادة  
فقط لو توقف عن مقارنة  
نفسه بالآخرين

227. Энг кўп баҳт-саодатга эришиш имкони бор махлук инсондир. Фақат шарти шуки, у ўзини бошқалар билан солиштиришни бас қилиши керак.



228. Келажакни ўйлаб ташвишланма. Мен хоҳлайман, сен хоҳлайсан... лекин Аллоҳнинг хоҳлагани бўлади.



روعة الْإِنْسَان  
لَيْسْتُ بِمَا يَعْلَمُ  
بَلْ بِمَا يَعْنَى  
فَالشَّمْسُ تَعْلَمُ  
النَّارَ  
رَكَنُهَا تَعْلَمُ  
الْكَوْنَ بِالنُّورِ

229. Инсоннинг фазилати унинг қўлида нималар борлигига эмас, балки у нималар бера олишидадир. Масалан, Қуёшда олов бор, лекин унинг фазилати бутун коинотни нурга тўлдириб туришидадир.



230. Ёшликда хаёл қилиб, орзу қилған ўша содда ҳаёт, афсуски, амалга ошмади...



231. Аллоҳим! Намоз ўқиб бўлиб эмас, ўқиётиб роҳатланадиганлардан қилгин!



232. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ:

«Ким Аллоҳдан қўркса, Аллоҳ барчани ундан кўрқадиган қилиб қўяди», дедилар.



233. Бошқаларни ҳис қилиш олтинчи сезги бўлиб, унга фақат қалби мусаффо кишилар эга бўладилар.



234. Ўзингга муносиб бўлмаган маконда яшамоғинг  
қайғули ва аламлидир!



إذا لم تعرف عنوان رزقك فلا تخف.. لأن  
رزقك يعرف عنوانك

فإذا لم تصل إليه.. فهو حتما سيصل إليك

235. Ризқим менинг қаердалигимни билмайди, деб қўрқма, ризқинг сенинг манзилингни жуда яхши билади. Сен унга етиша олмасанг ҳам, у сенга аниқ етиб келади.



236. Қулоқ солиб, тинглайдиганлар учун эслатма:

Бир киши бошқа бир кишининг охиратдаги тақдири ҳақида ҳукм қилиши жоиз эмас, чунки ғарфара ҳолатидан олдин нима бўлишини фақат Аллоҳ билади!

Одамларнинг сўzlари Аллоҳнинг қазои қадаридан ўзиб ҳам, қолиб ҳам кетмайди!

Биз бирор кишининг қисмати ҳақида Аллоҳнинг олдида масъул эмасмиз. Аммо Аллоҳ бизни хотимамиз хусусида сўроқ-савол қиласди.



237. Сенга дастлаб яхши муносабат қилган кишига эътибор берма, сен билан охиригача яхши муносабатда қоладиган кишига эътибор бер!



238. Бироларнинг мусибати устидан кулма!  
 Камбағалнинг ҳузурида бойлигингни гапирма!  
 Беморнинг ҳузурида соғлигингни гапирма!  
 Кучсизнинг ҳузурида кучингни гапирма!

Бахтсизнинг ҳузурида баҳтингни гапирма!  
 Маҳбуснинг ҳузурида эркингни гапирма!  
 Бепуштнинг ҳузурида фарзандларингни гапирма!  
 Етимнинг ҳузурида отангни гапирма!  
 Уларнинг мусибатидан кулсанг, алами ортади.  
 Жоҳиллигинг билан уларни тириклай гўрга тиқасан!



239. Ҳаёт имтиҳондир. Аллоҳ дуоингни ижобат қиласа, иймонингни зиёда қиласи. Ижобат қилишни кечиктирса, сабрингни зиёда қиласи. Ижобат қилмаса, сен учун яхшироқ нарсани сақлаб турган бўлади.



240. Бир ҳаким зотдан: «Офият нима?» деб сўрашган эди, «Куннинг гуноҳсиз ўтиши», деди.



241. Бир ҳаким зот айтди: «Пойабзалсиз юрганимга йиғлаб юрган эдим, икки оёғи йўқ кишини кўриб, йиғидан тўхтадим». Ҳар доим: «Ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳга шукр», дегин».

الشيخ محمد العريفي

.. تتوضأ فتسرف

.. تتحجب فتتعطر

.. تقوم الليل وتهجر أخاك

.. تصوم وتغتاب

.. تتصدق وتمن

مهلاً لا تجمع حسناتك في كيس متقوب

242. Шайх Мұхаммад Арифий айтадилар:

«Таҳорат қиласану, исроф қиласан. Ҳижоб ўрайсану, атир сепиб оласан. Таҳажжуд намозига турасану, биродаринг билан аразлашасан. Рўза тутасану, ғийбат қиласан. Садақа берасану, миннат қиласан. Кўзингни оч! Солих амалларингни тешик халтага солма!»



243. Бир киши қабр ёнида йиглаб турар эди. Шунда бир факих: «Нима учун йиглајпсан?» деди. У: «Яхши кўрган кишим мени ташлаб кетди, шунинг учун йиглајпман», деди. Факих: «Бир кун ўлиши аниқ одамни яхши кўрган экансан. Агар ўлмайдиган, абадий Зотни яхши кўрганингда У сени ҳеч қачон ташлаб кетмас эди», деди.



244. Ҳаёт нихоясида рухнинг ёлғиз ўзи қолади. Унга солих амаллардан бошқаси ҳамроҳ бўла олмайди.



245. Дўстлар шундай бўлади: дастлаб кўп бўлади, сўнгра камайиб, озайиб, ниҳоят, ёнингда фақат содикларигина қолади, холос.



246. Баъзи одамлар мен учун шундай бир тажриба қолдириб кетишдики, бу тажрибалар менга келажакда ана шундайлардан қандай четланишни ўргатди.




247. Сенга осийлик қилсам ҳам, айбимни яширдинг.  
Сени унұтсам ҳам, мени эсладинг.  
Сенга ғазаб қилсам ҳам, раҳм қилдинг.  
Эй айбу нұқсонлардан пок Зот! Сендан бошқа илоҳ йүқ.  
Мен золимлардан бўлиб қолдим!



248. Қанчадан-қанча софдил, самимиң инсонлар бор, аммо ақллар уларни идрок этмайди. Аммо қанчадан-қанча мунофиқлар қалбларни ўзига ром этаверади.



249. Дуо қиласиз, лекин сўраганимизнинг аксини кўрамиз. Шунда «Нега бундай бўлди? Ахир кечагина дуо қилган эдим-ку», деймиз. Ноқис ақлинг билан мукаммал Зотга бундай муомала қилма! Аллоҳ сўраганингни ўз вақтида бериш учун чора-тадбир қилмоқда, холос!



250. Али ибн Абу Толиб: «Халос қилувчи нажот бўла туриб, ҳалок бўлган кишига ҳайронман», дедилар. «Қандай нажот?» деб сўрашди. «Истиғфор», дедилар.



251. Аллоҳ бир кишига неъмат ато қилса, бунга ҳасад қилма. Ахир Аллоҳ (эвазига) ундан нимани олиб қўйганини билмайсан! Аллоҳ сендан бир нарсани олиб қўйса, хафа бўлма. Ахир унинг ўрнига нима беришини билмайсан-ку! Шунинг учун доимо «Алҳамдулилаҳ», дейишни канда қилма!



252. Гоҳида сукут қилиб, жим турамиз... Чунки сўзимиз ҳеч нарсани ўзгартирмаслигини биламиз...



253. Бўрон кемани бузиб юборишга қодир, лекин боғланган ипни ечишга қодир эмас. Ғазаб ҳам шундай. Дунёни бузиб ташлашга қодир, лекин ечим тақдим қила олмайди.



254. Дунёдаги энг гўзал нарса – Аллоҳнинг муҳаббати! Жаннатдаги энг яхши нарса – Аллоҳни кўриш! Китобларнинг энг манфаатлиси – Аллоҳнинг Китоби! Халойиқнинг энг яхшиси Аллоҳнинг Расулидир!



255. Илмнинг аввали жим туриш, сўнгра қулоқ тутиш, сўнгра ёд олиш, сўнгра амал қилиш, сўнгра эса уни тарқатишидир.

Ҳаётдаги энг улкан мусибат ўлим эмас. Энг улкан мусибат –ҳаётлик чоғимизда Аллоҳдан қўрқиши ҳиссининг ўлишидир.



256. Ким ҳақиқий дуо қилиб, чинакам гүзал сабр қила олса, бўлиши мумкин эмас деб ўйлаганлари ҳам ўнгидан келаверади.



! مُصيّبَتُنَا الْحَقِيقَيْةُ ؛ نَخْجُلُ مِنَ الْعَيْبِ أَكْثَرَ مِنَ الْحَرَامِ

257. Бизнинг ҳақиқий мусибатимиз – ҳаромдан кўра айбли нарсадан кўпроқ хижолат чекишимиздадир.



الإشاعة

يُؤلفها الحاقد،  
وينشرها الأحمق،  
ويصدقها الغبي..  
حاول ألا تكون من هؤلاء الثلاثة.

258. Миш-мишни ёвуз одам ўйлаб топади. Аҳмоқ уни тарқатади. Ақлсиз, нодон уни тасдиқлайди. Сен мана шу уч тоифадан бўлмасликка ҳаракат қил!



259. Дунёда хеч ўкинма! Дунёнинг ишлари бизнинг иродамиз билан эмас, Аллоҳнинг амри билан бўлади. Аллоҳнинг барча ишларида албатта бир яхшилик бор.




260. Кечагина доно ва ақлли эдим, дунёни ўзгартирмоқчи эдим! Бугун эса ҳаким ва донишмандман. Шунинг учун ўз нафсимни ўзгартирмоқчиман!

*Жалолиддин Румий*



261. Роббим! Мендаги ёмон нарсалар сабабли хузурингдаги яхши нарсалардан маҳрум қилиб қўйма!



262. Узр сўраш маданиятнинг олий чўққисидир. Жоҳиллар эса уни ўзликни хорлаш деб ўйлашади.



263. Феълинг ва ахлоқинг билан хурмат-эътибор қозонасан.




264. Аниқ билиб қўйки, яхшилигинг ҳам, ёмонлигинг ҳам бир кун ўзингга қайтади. Нима қилсанг ҳам, жазосини оласан!



265. Гоҳида киши тоати сабабли ғуур, миннат ва кибрга кетади. Гоҳида киши гуноҳ-маъсият сабабли синиқлик, тавба ва пушаймонликка тушади.



266. Одамларга керагидан ортигини бериб юборма, ахир сув кўплигидан ўсимлик ҳам ҳалок бўлади-ку!




267. Гапиришни ўрганиш учун икки йил етади.

Жим туришни ўрганишга эса олтмиш йил кетади.

*Rasul Gamzatov.*



268. Дунё ҳаёти осон бўлганида, жаннат эшикларидан бири сабр бўлмас эди.



269. Кўлингни осмонга кўтариб, дуо қилсанг, билгинки, уч ҳолатдан бирида бўласан: ё дуоинг ижобат бўлади, ё сендан бир ёмонлик арийди, ё сўраганинг охиратга захира бўлади! Бинобарин, сўраганинг албатта берилади!



270. Бир нарсанинг қадрини йўқотганингда биласан!  
 Оддий нарсани бўлса ҳам йўқотишдан эҳтиёт бўл, у энг қимматбаҳо нарса бўлиши мумкин!



271. Аллохим! Бизни Набийингнинг ҳавзаларидан шундай баҳраманд қилгинки, ундан кейин мутлақо чанқамайлик!



272. Рангининг тозалигига алданма, оғзида ўлдирувчи заҳар бор! Қанчадан-қанча сиртдан оппоқ кўринадиганлар борки, қалби қоп-қора!

شیطان الانس أخطر من شیطان الجن .  
شیطان الجن تقرأ عليه آية الكرسي يفر ويهرب ....  
وشیطان الانس تقرأ عليه آية الكرسي يعطيك تفسيرها

الشيخ سعيد الرباني (رحمه الله)

273. Инс шайтон жин шайтондан хатарлироқдир!

Жин шайтонга «Оятал курсий»ни ўқисанг, юрганича қочиб кетади. Инсон шайтонга «Оятал курсий»ни ўқисанг, уни сенга шархлаб кетади.



274. Қалбим сенга муштоқ, Макка!

وَفِي الصَّرْبَرِ مَشَقةٌ  
يَعْقُبُهَا فَرَحٌ جَمِيلٌ .  
فَالْحَمْدُ لِلَّهِ دَائِمًا وَأَبَدًا

275. Сабрга вафо қилиш мاشаққатдир, лекин бунинг ортидан гўзал шодлик келиши аниқ! Аллоҳга бардавом ва абадий ҳамд бўлсин!



276. Ким кун бўйи табассум қилишга ҳақлиман деб билмаса, кўзларини ўн дақиқага юмсин. Шунда ёруғликни кўришнинг ўзи табассум қилишга ҳақли бўлади!




277. Самолётдаги «қора қути»нинг ранги тўқ сариқлигини биласизми? Машъум ҳодисаларга боғлиқ бўлгани учунгина уни «қора» деб аташган.



278. Илк кўришдаёқ биронга баҳо берма, чунки туз ҳам, шакар ҳам оқдир. Уларнинг фарқини таъмини тотиб кўрсанггина биласан. Одамлар ҳам шундай!



279. Холис ният билан қилған амалингни паст санама!  
Ихлос билан қилинганды озгина амал ҳам күпдир!



280. Ҳар бир инсоннинг ҳаётида шундай бир вазият содир бўладики, ундан кейин ҳаёт аввалги ҳолатига қайтмайди!



لا تحزن عندما يهجرك البعض  
فربما دعوة ذات ليلة تحقق تحت قول  
واصرف عني شر ما قضيت

281. Баъзилар сен билан алоқани узса гам чекма! Эҳтимол, қайси бир тунда «Қазои қадаримга битилган ёмонликни мендан даф қил» деган дуоинг ижобат бўлгандир?



282. Арқонларнинг энг муҳими киндик ичакчаси бўлиб, эмбрион у туфайли тирик туради.

Арқонларнинг энг қўрқинчлиси дорнинг арқони бўлиб, у нафас олишни тўхтатади.


Арқонларнинг энг нозиги фикрлар арқони бўлиб, у сўз билан кесилади.

Арқонларнинг энг қисқаси ёлғон арқони бўлиб, у қандай бошланган бўлса, шундай тугайди.

Арқонларнинг энг кучли ва гўзали Аллоҳ билан сенинг ўртангдаги арқон бўлиб, ўзинг узмасанг, Аллоҳ уни узмайди.



283. Жаннат аҳли дўзах аҳлидан: «Нима сабабдан дўзахга кирдингиз?» деб сўраса, улар аввало «Намоз ўқимас эдик», дейишади. Намознинг шаъни нақадар улуғ эканини билайлик!



عامل سه يکرهك باحترام هكذا ترينه . .

284. Сени ёқтирмайдиган одамга эхтиром билан муомала қил. Шунда уни хорлаган бўласан!



285. Қани эди ёшлиқ бир кун қайтиб келса-да, кексалар нима билан машғул бўлишларини айтсам!



286. Вақт айтади: «Ҳамма нарсани унут, менга эргаш»!

Мол-дунё айтади: «Ҳамма нарсани унут, мендан фойдаланиб қол»!

Келажак айтади: «Ҳамма нарсани унут, мен учун кураш»!

Аллоҳ таоло айтади: «Мени зикр қил, ҳамма нарсани ато қиласман», дейди.



287. Дарров тасдиқлаш ҳам, дарров инкор қилиш ҳам кишининг гўллигидан далолат беради.



288. Индонезияда келинчак никоҳ кечаси меҳмонларга бир пора Куръон тиловат қилиб берар экан, меҳмон аёллар такрорлаб, қайтариб туришар экан. Нақадар яхши одат-а!



289. Сукут баъзан бошқаларга сўзлашиш одобидан сабоқ беради...



290. Айтадиган гапимиз қолмаса ҳам, гапни чўзаверамиз!



291. Қалб ўзгарувчан бўлгани учун шундай номланган («Қолаба» сўзи «ўзгартирди» деганидир). Қалбларни ўзгартирувчи Аллоҳим, қалбларимизни динингда мустаҳкам қил!



292. «Лаа илааха иллаа анта، субханака، инний кунту миназ золимиийн» («Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сен Поксан. Мен эса золимлардан бўлиб қолдим») жумласини доим айтинг, чунки унинг аввали тавҳид, ўртаси тасбех, охири эса истиғфордир!




293. Пулингга уй сотиб оларсан, хотиржамлик сотиб ололмайсан!

Лавозим сотиб оларсан, лекин хурматни сотиб ололмайсан!

Каравот сотиб оларсан, лекин уйқуни сотиб ололмайсан!

Китоб сотиб оларсан, лекин фахм-фаросат сотиб ололмайсан!

Дори сотиб оларсан, лекин шифо сотиб ололмайсан!



294. Бутун дунёни қўлдан бой берсанг-у, Аллоҳ билан бўлсанг, ҳеч нарса йўқотмабсан!

Бутун дунёни қўлга киритсанг-у, Аллоҳдан йироқ бўлсанг, ҳамма нарсани қўлдан бой берибсан!



295. Намоз ўқимайдыган одамга ишонма, чунки у Роббидан алоқани узибдими, сени ҳам ташлаб кета олади!



296. «Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: «Аз он билан икоманинг орасидаги дуо рад қилинмайди», дедилар». *Абу Довуд ривоят қилған.*



297. Дунё учун ғам ема. Унинг боши йиғи, ўртаси мاشаққат, охири йўқлиқдир!

Сен охиратинг учун амал қилиб қол! Унинг боши учрашув, ўртаси ҳадя, охири эса абадиятдир.



298. Туғилганимизда хурсанд бўлишади, вафот қилганимизда хафа бўлишади, аммо иккисининг орасида бизни ҳис қилишмайди!




299. Куръон эшиитган пайтда, зикр мажлисларида ва холи қолган вақтларингда қалбингни қидир. Агар уни шу уч ўринда топмасанг, Аллоҳдан қалб ато қилишини сўра, чунки сенда қалб йўқ экан!



300. Бошига менинг ғамимга ўхшаш ғам тушган одамгина мени тушунади.




301. Аёлнинг ватани – эридир. Ватан танлашда хушёр бўл, ўзингга муносабини танла!



302. Роббимнинг ҳузурида ҳамма нарса яқиндир. Ҳатто бироз ёки кўпроқ кечикса ҳам, чунки кечикиши ҳикматга биноандир.

Роббим, барча ишларимни Ўзингга топширдим!




303. Бўладиган иш заиф бўлсанг ҳам амалга ошаверади. Бўлмайдиганига эса куч-қувватинг билан ҳам етиша олмайсан!

"أَكْثَرُ مِنْ تِلَاوَةِ الْقُرْآنِ ..  
سِيَقُوِّيْ قَلْبَكَ ، سِتَّطِهِرَ  
رُوحَكَ "

304. Қуръон тиловатини кўпайтир, шунда қалбинг кучли бўлиб, руҳинг покланади.



305. Илм билан келажагинг порлоқ бўлади, сигарета эса уни куйдиради.



306. Китоб тўпласак, баҳт-саодат тўплаган бўламиз.



307. «Бахт» сўзи Қуръоннинг биргина жойида келган:  
 «Бахтиёрлар жаннатдадирлар, унда мангу қолувчидирлар»  
*(Худ сураси, 108-оят).*

Ҳақиқий баҳт-саодат бу дунёда эмас, балки жаннатда бўлишини билдириш учун шундай келган.



308. Бахтли киши ҳамма нарсага эга бўлмайди. Лекин нимага эга бўлса ҳам, ўша нарса билан баҳтли бўлади.



309. Муҳтарама аёл эри учун хазина, ота-онаси учун фахр, фарзандлари учун йўлбошчидир!




310. Бир киши қулаганингда сени тарк қилиб, гуллаб-яшнаганингда яна қайтиб келиши адолатдан эмас!




311. Дунё ва ундаги нарсалар учун ўқинма! Ҳаммаиз ҳам бу дунёга меҳмонмиз!




312. Луқмони ҳакимдан: «Хикматни кимдан ўргандингиз?» деб сўрашди. «Жохиллардан. Уларда қандай айб кўрсам, шундан четлашдим», дедилар.




313. Бир киши Ҳасан Басрийдан: «Қизимни кимга турмушга берай?» деб сўради. У: «Аллоҳдан қўрқадиган одамга бер. Яхши кўрса, ҳурмат қиласи. Лекин ёмон кўрса ҳам, унга зулм қиласиди», деди.



314. Ҳақиқий ҳаёт бу дунёда эмаслигини билиш учун Аллоҳнинг «**Кошки (oxirat)** ҳаётимга ҳам бирор нарса тайёрлаган бўлсам» ояти ҳақида кўп фикр юритинглар (*Фажр сураси*, 24).



315. Бир форс шоири айтган экан:  
Аввал бошда қийшиқ бўлса пойдевор,  
Юлдузга етса ҳам қийшиқдир бино.



316. Шундай замонда яшаяпмизки, агар тошга «Инсон бўл», дейилса, тош: «Узр! Дијдам у даражада қаттиқ эмас», дейди.




317. Вақт ҳеч кимни ўзгартирмайди. У ҳар бир инсоннинг ҳақиқатини очиб беради, холос!



318. Муносабатлар алоқаларнинг куз фаслидир. Даражт барглари каби, қалбакилари тўкилиб тушаверади.



319. Бир замонлар нархлар ошиб кетди. Шунда солиҳ салафлардан бири айтди: «Аллоҳга қасамки, бир дона арпанинг дони бир динор бўлиб кетса ҳам эътибор бермайман. У Зотга менга буюрганидек ибодат қиласкераман. У Зот ҳам менга ваъда берганидек ризқ ато этаверади».



320. Қалбдан чиққан нарса қалбларгача ёриб ўтади. Тилдан чиққан нарса қулоқдан нарига ўта олмайди.



321. Замон сенга кулиб боқса, эҳтиёт бўл, чунки замон узок кулиб боқмайди.




322. Дўстингни билмоқчи бўлсанг, у билан сафар қил. Инсоннинг асл қиёфаси сафарда билинади.

Нима учун сафар «сафар» деб номланган? Инсоннинг хулқи ва табиатидаги ниқобини очиб ташлагани учун.

(«Сафара» феъли «Ниқобини олиб, юзини очди» деган маънони англатади)



323. Роббим, Сен яхши кўрган нарса туфайли яхши кўрган нарсамни ташладим. Сен нимани яхши кўрсанг, ҳаммасини мен ҳам яхши кўрайин. Сен яхши кўрган нарсаларни қилишимни тақдиримга ёзгин. Сени яхши кўриш мен яхши кўрган нарсанинг ғоясидир.



324. Яхши гумон қилиб, сўнг афсусланганинг ёмон гумон қилиб, сўнг афсусланганингдан яхшироқдир.



الاستغفار يفتح الأقفال.

### 325. Истиғфор кулфларни очар!



### 326. Бир кишининг обрўсини булғасанг, билиб қўйки, сенинг ҳам навбатинг келади!



327. Ичимлик ичиш одобларидан:

- Сув ичмоқчи бўлсанг, «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» дегин.
- Ўнг қўлинг билан ичгин.
- Сувни уч ёки ундан кўпроқ нафасда ичгин.
- Ичиб бўлгач, Аллоҳга ҳамд айтгин.
- Ўтириб ичгин.
- Сув улашганда аввал ўзинг ичгин.
- Сув улашишни ўнг томондан бошлагин.



328. Бир қизнинг номусини булғасанг, билиб қўйки, синглингга ҳам навбат келади!



329. Ҳаёting мاشаққатли бўлиб қолса, хафа бўлма! Эҳтимол, Аллоҳ нидо қилган овозингни эшишишга муштоқдир!




330. Ким ғам-ташвишини одамларга шикоят қилса, ғами зиёда бўлади. Ким ғам-ташвишини Аллоҳга шикоят қилса, ғамдан фориғ бўлади.




331. Яқинда йилнинг энг гўзал ойи бошланади! Аллоҳим, Рамазонга қаторимиздан хато бўлмаган ҳолда етказгин!



332. Йўқотган нарсангга хафа бўлма. Эҳтимол, у қўлингда бўлса, хафалигинг зиёда бўлар?



333. Гоҳида баъзи инсонларнинг қалбидан тош юмшоқроқ бўлади!



334. ҳеч кимдан раҳмат кутма! Сенга Ас-Сомад сифатли Зот – Аллохнинг савоби кифоя қиласи!

Ношукур, кўрнамакларга, манфур ҳасадчиларга парво қилма!



335. Одамлар тушларни таъбир қилиб берадиганларни қидиришади. Мен эса воқеликни изоҳлаб, тушунтириб берадиганларни қидирман!

كل مسلسل و برنامج سيعرض في رمضان

سوف يعاد بعد رمضان

إلا : التراويف .. قيام الليل

ليلة القدر .. الرحمة والمغفرة .. العتق من النار

فلا تكون إلا في رمضان

فاجهدوا

336. Рамазон ойида намойиш қилинган ҳар қандай сериал ёки теледастур Рамазондан кейин ҳам қайтадан берилади. Лекин таровех, тунги бедорлик, Қадр кечаси, раҳмат, мағфират ва дўзахдан озод бўлиш фақат Рамазонда бўлади, холос!

Харакат қилиб қолинг!

في الجنة لن نبكي  
في الجنة لن نحزن  
في الجنة لن نفترق  
في الجنة لن نحقد  
في الجنة لن نغار  
لا .. ألم .. لا .. انتظار  
الجنة هي الحلم الوحد الذي لا تنتهي  
صلاحيته  
اللهم إنا نسألك رضاك والجنة ونوعذ بك  
من سخطك والنار  
اللهم آمين

337. Жаннатда асло йифламаймиз!

Жаннатда асло маҳзун бўлмаймиз!  
 Жаннатда асло ажралмаймиз!  
 Жаннатда асло кек сақламаймиз!  
 Жаннатда асло рашқ қилмаймиз!  
 У ерда оғриқ ҳам йўқ, кутиш ҳам йўқ!  
 Жаннат бирдан-бир орзу қилинадиган нарсаки, унинг  
 салоҳияти тугамайди!  
 Аллоҳим! Сендан розилигингни ва жаннатни сўраймиз!  
 Ғазабинг ва дўзахингдан паноҳ тилаймиз!

## فوائد الصمت السبع

- الأولى:** عبادة من غير عناء
- الثانية:** زينة من غير حلي
- الثالثة:** هيبة من غير سلطان
- الرابعة:** حصن من غير حاط
- الخامسة:** الاستفباء عن الاعتذار
- السادسة:** راحة لكرام الكاتبين
- السابعة:** ستر لعيوب الجاهلية



338. Сукутнинг етти фойдаси:
- Биринчиси: Қийинчиликсиз ибодат.
  - Иккинчиси: Безаксиз зийнат.
  - Учинчиси: Ҳукмронликсиз ҳайбат.
  - Тўртинчиси: Тўсиқсиз қўрғон.
  - Бешинчиси: Узр айтишдан беҳожатлик.
  - Олтинчиси: Кироман котибийн (елкадаги икки котиб фаришта) учун роҳат.
  - Еттинчиси: Жоҳилият айбларидан тўсиқ.



339. Тилингни «Аллохуммағфирлий» («Аллоҳим, мени мағфират қил») дейишига одатлантири. Аллоҳнинг шундай соатлари борки, унда дуо рад қилинмайди.



340. Бир кунда беш маҳал намоз ўқиймиз.  
Бир ойда 150 маҳал намоз бўлади.  
Бир йилда 1800 маҳал намоз бўлади.  
Ўн йилда 18000 маҳал намоз бўлади.  
Эллик йилда тахминан 90 минг намоз бўлади!  
Маккадаги Масжидул Ҳарамда ўқилган битта намоз эса  
100 минг намозга баробар бўлади!  
Аллоҳим! Байтингда, Ҳарами шараифда намоз ўқишни  
насиб қил!



341. Подшоҳларнинг тожи олтиндан бўлади. Йигитнинг  
тожи эса, одобдан бўлади.



342. Аллоҳим, шаъбон ойининг қолган кунларини қалбларга ҳузур-ҳаловат, айбларга тўсиқ, гуноҳларга барҳам ва ғам-аламга кушойиш қил!



343. Бир нарса кечиккан сари унинг келиши гўзал бўлади.

## أسماء أبواب جهنم أعادنا الله وإياكم منها

- 
- الباب الأول : جهنم  
الباب الثاني : السعير  
الباب الثالث : لظى  
الباب الرابع : الحطمة  
الباب الخامس : سقر  
الباب السادس : الجحيم  
الباب السابع : الهاوية وهي أسفلها

344. Жаҳаннам дарвозаларининг номлари (Аллоҳ барчамизни ундан асрасин):

Биринчи дарвоза: Жаҳаннам.

Иккинчи дарвоза: Саъийр.

Учинчи дарвоза: Лазо.

Тўртинчи дарвоза: Хутома.


Бешинчи дарвоза: Сакор.

Олтинчи дарвоза: Жаҳийм.

Еттинчи дарвоза: Ҳовия. Мана шу жаҳаннамнинг тубидир.

لَيْسْ كُلُّ أَخْ لَكَ  
وَلَدْتَهُ أُمُّكَ فِيهَاكَ  
أَخْوَهُ تَلَدَّهُمْ لَكَ  
الْأَيَامُ وَالْمَوَاقِفُ

345. Ака-укаларнинг ҳаммасини ҳам онанг туғиб беравермайди. Шундай ака-укалар борки, уларни шароит ва вазиятлар туғиб беради.



### 346. Танқидчилардан қўрқма!

Бир ишни қилишга танқидчилардан хавфсирасанг, ҳеч қандай иш қила олмайсан. Тўғри эканига ишончинг комил бўлса, манфаати кўпроқ бўлса, Роббинг рози бўлса, оқил ва мухлислар мақтайдиган амал бўлса, қилавер! Шунда ҳам уларнинг ичидан хаётлигингда ғазаб қиладигани бўлса, ўлимингдан сўнг рози бўладиганлари чиқиб қолади.



347. Атрофингдагиларнинг асл қиёfasини билмайсан. Буни фақат Аллоҳ билади!

Шунинг учун «Аллоҳим! Мени хайрли кишиларга, хайрли кишиларни менга йўллаб қўй! Мени ёмонлардан, уларни мендан йироқ қил», деб айт.

(Доно халқимиз буни «Аллоҳим, яхшига ёндаштири, ёмоннинг бетини тескари қил» дейди).



348. Умр тугаб боряпти, ажал яқин. Мен эса Роббимнинг хузурида ҳанузгача нұқсонга йўл қўймоқдаман!

Роббим! Сендан шундай тавба сўрайманки, ортидан гуноҳ қилмайин!




349. Аллоҳга тақво қил!

Бепарво бўлсанг ҳам, У Зот кутмаган томонингдан ризқ бераверади!

Ризқ берувчи Аллоҳ экан, нега камбағалликдан қўрқасан? Ахир қушга ҳам, дengizdagi китга ҳам У Зот ризқ беради-ку!

Кимдир ризқ фақат куч, ақл билан топилади, деб ўйласа, у холда чумчук ёки бургут ҳеч нарса ея олмас эди.



350. Эртанинг ғамини деб бугунингни қийинлаширма, чунки эртанинг ғами ҳали келиб улгургани йўқ! Агар шундай қилсанг, бугуннинг шодлигидан ҳам маҳрум бўласан!



351. Кўз қалба эргашади. Агар қалб юмшоқ бўлса, кўз ёш тўкади. Бордию қотиб кетса, кўз ёш тўкишдан тўхтаб, қурийди!



352. Намозда бўлсанг, қалбингни эҳтиёт қил!  
 Одамлар орасида бўлсанг, тилингни эҳтиёт қил!  
 Биронинг уйида бўлсанг, кўзингни эҳтиёт қил!  
 Овқат устида бўлсанг, ошқозонингни эҳтиёт қил!  
 Икки нарсани ҳеч эслама:  
 Биринчиси: Одамларни сенга қилган ёмонлигини;  
 Иккинчиси: Одамларга қилган яхшилигингни.  
 Икки нарсани асло унутма:  
 Биринчиси: Аллоҳ азза ва жаллани.  
 Иккинчиси: Охират диёрини.

أَسْوَأُ الأَزْمَنَةِ  
زَمْنٌ تَخْتَلِطُ فِيهِ أَقْدَارُ النَّاسِ ، ،  
يَصْبُحُ الصَّغِيرُ كَبِيرًاً  
وَيَصْبُحُ الْكَبِيرُ صَغِيرًاً ، ،  
وَيَغْدوُ فِيهِ الْجَاهِلُ عَالَمًا  
وَيَصْبُحُ الْعَالَمُ جَاهِلًا ، ،  
وَيَمُوتُ فِيهِ أَصْحَابُ الْمَوَاهِبِ  
لِيَقْفَزْ عَلَى قَمْتِهِ الْجَهَلَاءُ .

353. Замонларнинг энг ёмони – одамларнинг қадр-қиммати аралаш бўлиб кетган замондир:

Кичик катта бўлиб қолади!

Катта кичик бўлиб қолади!

Жоҳил олим бўлиб қолади!

Олим жоҳил бўлиб қолади!

Иқтидор ва истеъдодлилар вафот қилиб, уларнинг ўрнига жоҳиллар чиқиб олишади!



354. Ҳар бир ёлғон ҳақиқат бўлиб кўриниш учун яна битта, тоғдек ёлғонга муҳтож бўлади!

Ҳар қанча ёлғон гапирсанг ҳам, одамлар уни ҳар қанча тасдиқлашса ҳам, барибир Аллоҳни алдай олмайсан!

Ўз нафсингни ҳам алдай олмайсан!

Хаётлигингда ўзингга қандай қарайсан?

Вафот этганингда Роббинг хузурида қандай турасан?

أدركت أقواماً لم تكن لهم عيوب  
 فتكلموا في عيوب الناس فلأحدث الله لهم عيوباً ..

وأدركت أقواماً كانت لهم عيوب  
 فسكتوا عن عيوب الناس فستر الله عيوبهم ..

الإمام (الحسن البصري)

355. Шундай қавмларни кўрдимки, айблари йўқ эди. Лекин бирорларнинг айбини гапира бошлишган эди, Аллоҳ уларнинг ўзларини ҳам айбли қилиб қўйди.

Яна бир қавмларни кўрдимки, айблари бор эди. Бировларнинг айбини айтишдан тилни тийишган эди, Аллоҳ уларнинг айбларини яширди.

*Ҳасан Басрий.*



356. Аллоҳ Куръон тиловати билан лаззат олишни насиб этганларга табрик ва олқишлиар бўлсин!

Улар Аллоҳнинг Китобини хатм қилганларида худди кечаю-кундуз яна янги сафарга отланувчилар каби, унинг аввалига қайтадилар!

عَنْدَمَا يَكْثُرُ الْحَدِيثُ عَنْكَ

سَوَاء مُذْحَحٌ أَوْ ذُمَّةٌ  
فَتَأْكُدُ بِأَنَّكَ أَشَغَلْتَ مِنْ حَوْلِكَ  
لَدْرَجَةٍ أَنَّهُمْ تَرَكُوكَ مَا يَعْنِيهِمْ  
وَاهْتَمُوكَ  
فَوَاصِلُ نَجَاحِكَ  
وَدَعَ لَهُمْ مُتْعَةً الْحَدِيثِ

357. Сен ҳақингдаги хоҳ мақтов, хоҳ айблов сўзлар кўпайган пайтда атрофингдаги кишиларни шу даражада машғул қилганингга ишон!

Улар ўзларига керакли нарсани тарк этиб, сенга аҳамият беришни бошлишибди!

Сен ўз муваффақиятингга эришишда давом этавер. Сўзлаш завқини уларга қўйиб бер!




358. Одамлар мурод-мақсадларига мувофиқ ҳаёт кечириб, халок бўлдилар!

Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг иродасига мувофиқ яшаганларида, нажот топиб, ютуқка эришардилар!



359. Темирнинг занги бўлганидек, қалбнинг ҳам занги бор. Уни истиғфор ялтиратиб, жило беради!



360. Намозхон сажда қилган пайтида уни ўраб турган раҳматнинг қай даражада эканини билса эди, бошини асло кўтармас эди!

Аллоҳим, ҳузурингда сажда қилган ҳолимда жонимни ол!  
Аллоҳим, мендан батамом рози ҳолингда жонимни ол!




361. Чинакам дўст ҳар қанча кучли бўлмасин, дўстига озор бермайди!



362. Ким иккиюзламачилик билан ҳаёт кечирса, юзсиз үлим топади!



363. Сўзнинг ярмини эшитиб, чорагини англаб, икки баробар қилиб гапирадиган одамларга ҳайронман!



364. Киши таълим олишдан тўхтадими, демак, у қариб қолибди. У хоҳ йигирма ёшда бўлсин, хоҳ саксон ёшда бўлсин, фарқи йўқ!



365. Бошқаларга ишонишнинг икки натижаси бор: ё умрбод дўстлик, ё бир умрга татигулик сабоқ!



366. Сен ризқингнинг қаердалигини билмасанг ҳам, ризқинг сенинг қаердалигингни билади!



367. Ер устида фақат тавозе билан юр, чунки ер остида қанчадан-қанча қавмлар борки, улар сендан баландроқ.



368. Қаноат күзойнакдир. Уни тақиб олсанг, ҳаётни чиройли күрасан!



369. Аҳмоклик – ҳақиқатни кўра-била туриб ёлғонларга ишонишидир.



370. «Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакийл», яъни «Бизга Аллоҳ кифоя. У Зот нақадар яхши вакил!» дейишни унутма, чунки бу сўз ёнфинни ўчиради. Унинг шарофати билан ғарқ

бўлаётганлар қутулиб қолади! Унинг шарофати билан  
адашганлар йўлини топади!  
Унда мустаҳкам аҳд бор!




371. Агар Аллоҳнинг «сатр», яъни беркитувчи ридоси бўлмаганида, баданимиз айблар билан илма-тешик, бўйинларимиз эса қаттиқ хижолатдан синик бўлар эди.



372. Дунё – улкан мактабдир. Унда ҳар қанча аълочи бўлмагин, фақат вафотинг ҳақида шаҳодатнома оласан, холос!




373. Сенга ёмонлик қилганни кечира қол, эҳтимол, у надомат қилаётгандир. Золим эмас, мазлум бўлганинг учун Аллоҳга ҳамд айтсанг-чи!



374. Роббим! Ўзингдан ўзгага муҳтоҷ қилиб қўйма!  
Эҳтиёжимни фақат Ўзингга тушадиган қил!



375. Саҳл айтади: «Ким ортиқча нарсалар билан машғул бўлса, парҳезкорликдан маҳрум бўлибди».




376. Ҳамма нарсани синдирсанг ҳам, етимнинг қалбини синдириб қўйма!

من اعتمد على **ماله** فل  
 ومن اعتمد على **سلطانه** ذل  
 و من اعتمد على **عقله** اختل  
 و من اعتمد على **علمه** ضل  
 و من اعتمد على **الناس** مل  
 ومن اعتمد على **الله**  
**فما فل ولا ذل ولا اختل ولا ضل ولا مل**

377. Ким мол-дунёсига суянса, моли камайиб борур!  
 Ким мансабига суянса, хор бўлур!  
 Ким ақлига суянса, ақли заиф бўлур!  
 Ким илмига суянса, адашур!

Ким одамларга сүянса, малол кўрилур!  
Аммо ким Аллоҳга сүянса, камаймас, хор бўлмас, ақли  
заифлашмас, адашмас ва малол ҳам кўрилмас!



378. Ҳар куни кичик бир мақсадни бўлса ҳам рўёбга чиқариб, муваффақият пиллапоясидан кўтарилганинг ўрнингда жим қотиб, мавҳум нарсани кутганингдан яхшироқдир!



379. Кўпроқ китоб ўқи, узокни кўрасан!



380. Қалблар таровех намозлариға муштоқ. Роббим, биздан рози бўлганинг ҳолингда Рамазонга етказ!

إننا نبحث عن السعادة غالباً وهي قريبة منا،  
كما نبحث في كثير من الأحيان عن النظارة  
وهي فوق عيوننا .

ليو تولستوي

381. Күпинча баҳт-саодат қидирамиз, ваҳоланки, у ёнгинамизда бўлади. Худди кўпинча кўзимизда турган кўзойнакни қидирганимиз каби.

Лев Толстой.



382. Болажоним! Олтин олов билан синалади. Солиҳ банда бало билан синалади. Аллоҳ бир қавмни яхши кўрса, уларни бало билан синайди. Ким рози бўлса, унинг учун розиликдир. Ким ғазаб қилса, унинг учун ғазабдир.

Луқмони ҳаким ҳикматларидан.



383. Хулқ-авторини, табиатини ислоҳ қилиш мақсадида  
Қуръонга талпинадиган қавмга олқишилар бўлсин!



384. Кунлардан шикоят қилма, уларнинг ўрнини босувчи  
йўқ!

Дунёга хафа бўлма, модомики охири жўнашдир!

Аллоҳга ишон, У Зотнинг тенги йўқдир!

Унга шукр қилиб яша, барча нарсани гўзал ҳолда кўрасан!



385. Ким дўст хоҳласа, Аллоҳ кифоя қилур!  
 Ким ҳамроҳ хоҳласа, Қуръон кифоя қилур!  
 Ким бойлик хоҳласа, қаноат кифоя қилур!  
 Ким мавъиза хоҳласа, ўлим кифоя қилур!  
 Ким бу тўрт нарсага қаноат қилмаса, Аллоҳ хидоят қилур!



386. Душманларнинг энг ёмони – қачонлардир сен билан дўст бўлган кишидир!



387. Биродар! Илмга олти нарса билангина эришасан:


1. Зийраклик.
2. Ўта қизиқувчанлик.
3. Жидду жаҳд.
4. Кифоя қилгудек таом.
5. Устоз сухбати.
6. Узок муддат.



388. Бу ҳаётда бир кишига астойдил суюнма! Зулуматли маконларда хатто соянг ҳам сендан чекинади!




389. Оқил хато қилса, афсусланади!  
Аҳмок хато қилса, сағсата сотади!



390. Ёстиқ устида йиғлама! У ҳеч нарсани ўзгартира олмайди!

Тургин-да, жойнамозинг устида йиғла! Аллоҳ қийинчиликдан кейин осонлик ато қилади!


*Али каррамаллоҳу важҳаҳу.*



391. Заҳмат чекмасанг, таълим ололмайсан.




392. Сен мени ёмон күрма! Мен ҳақимда ўзинг чизиб олган суратни ёмон күряпсан, холос. Аслида бу сурат мен эмас, ўзингсан.



393. Нега одамлар бундай?

Уларни қанчалар яхши күрмайлик, ғазаблари, зиддиятлари ошиб бораверади.

Бошқаларга яқин бўлиш учун мен ҳам нафратланайми энди?!



394. Орзуларингни амалга оширишда муваффақиятсизликка учрасанг, тамойилларингни эмас, услугубингни ўзгартирип. Дарахт илдизини эмас, баргларини ўзгартиради!



395. Аллоҳ билан дўст бўлганнинг жаннати кўксидаги, боғи қалбидаги, қувончи Роббининг розилигидадир.

## معادلة الخوارزمي الرائعة

سُنْنَةُ الْخَوَارِزْمِيِّ عَالَمِ الْرِّيَاضِيَّاتِ عَنِ الْإِنْسَانِ فَأَجَابَ :


إِذَا كَانَ إِنْسَانٌ ذَا أَخْلَاقٍ فَهُوَ = 1

وَإِذَا كَانَ إِنْسَانٌ ذَا جَمَالٍ فَأَضِيفْ إِلَى الْوَاحِدِ صَفْرًا = 10 =

وَإِذَا كَانَ ذَا مَالًا يَأْتِي بِهِ فَأَضِيفْ صَفْرًا آخَرَ = 100 =

وَإِذَا كَانَ ذَا حَسْبٍ وَنَسْبٍ فَأَضِيفْ صَفْرًا آخَرَ = 1000 =

فَإِذَا ذَهَبَ الْعَدْدُ وَاحِدٌ وَهُوَ الْأَخْلَاقُ ذُهِبَتْ قِيمَةُ إِنْسَانٍ وَبَقِيَتِ  
الْأَصْفَارُ



396. Ал-Хоразмийнинг ажойиб тенгламаси:


Риёзиёт олими ал-Хоразмийдан инсон ҳақида сўрашди.

Олим шундай деди:

- Агар инсон яхши хулқ соҳиби бўлса, у 1 га тенг.
- Агар инсон ҳусн соҳиби бўлса, бирнинг ёнига нолни қўш = 10 бўлади.
- Агар инсон бой бўлса, яна бир нолни қўш = 100 бўлади.
- Агар насл-насабли бўлса, яна бир нолни қўш = 1000 бўлади.
- Агар 1 рақами, яъни хулқ йўқ бўлиб кетса, инсоннинг қиймати йўққа чиқиб, нолларнинг ўзи қолади = 000.



397. Доимо Аллоҳни зикр қилинг, чунки бу даводир. Одамларни зикр қилишдан четланинг, чунки бу дардdir.



398. Қанийди ҳаёт бир ҳикоя бўлса ва қалам билан ёзилса-ю, мозийдаги эслашга лойик бўлмаган нарсаларни ўчириб ташласам.



399. Аллоҳим! Қалбнинг қорайишидан, виждоннинг ўлишидан ва ёмон хотимадан мени йироқ қил!



400. Муваффақиятсизликка учрамайдиган, гумонлар ёки ёмон ниятлар аралашмайдиган бирдан-бир алоқа инсоннинг Робби билан алоқасидир.

فِي كُلِّيْرٍ مِّنَ الْأَحْيَانِ  
يَمْنَعُ اللَّهُ عَنِكَ مَا تُرِيدُ  
لِيَعْطِيكَ مَا تَحْتَاجُ

401. Баъзан Аллоҳ сен хоҳлаган нарсани эҳтиёжинг тушган пайтда бериш учун сўраган пайтингда бермайди.



402. Роббим! Дунёда ҳеч нарсанинг бардавомлигини кўрмаяпман! Унинг ҳолати тўғриланганини ҳам кўрмаяпман!  
Аллоҳим! Дунёда мени илм билан гапирадиган, ҳилм билан жим турадиганлардан қилгин!



403. Дарду ҳасратларимга саждадан бошқа даво топмадим.



404. Овозлар баландлашса, шовқин-суронга айланиб кетади. Лекин Қуръон тиловат қилувчиларнинг овози қанча баландлашса ҳам, факат хушуъни – Аллоҳдан қўрқиши зиёда қиласди.


Аллоҳим, бизни Қуръон аҳлидан қилгин!



## الصدق

مثل خيط المسбحة إذا انقطع تناثرت كل فضائل المرء

405. Ростгүйлик худди тасбехнинг ипига ўхшайди. У узилса, кишининг барча фазилатлари сочилиб кетади.




406. Ўқимайдиганлар ўқишни билмайдиганлардан афзал бўлмайди.



حافظوا دائمًا على نطق الشهادة قبل النوم  
**فلا تدرِّي متى تنام عيناك للأبد**

407. Уйқудан олдин калимай шаҳодат айтишни унутманг.  
Ахир қачон абадий уйқуга кетишингизни билмайсиз!



الثقة مثل قلعة الرمال . . يصعب بناءها ،  
ولكن من السهل تدميرها .

408. Ишонч құмдан ясалған қалъага ўхшайды. Уни қуриш қийин, лекин бузиш осон.



409. Ким «Субҳаналлоҳил ъазийм ва биҳамдиҳи» деса, унинг учун жаннатда бир туп хурмо дарахти экилади.




410. Уйларга уларнинг дарвозасига қараб баҳо берманг. Бу дарвозалар ортида олтин руҳиятли инсонлар бор!



411. Қалбга озор етказган сўзларни ўчирғич билан ўчириш мумкин. Лекин уларнинг қалбга етказган жароҳатини ўчирғич ўчира олмайди.



412. Бир аёл мушукка озор бергани учун дўзахга тушди. Ҳайвонга озор берган кишининг жазоси шундай экан, инсонга озор берган кишининг аҳволи қандай бўларкин?



413. Уч ҳолатда одамлар сен ҳақингда гапиришади:

- Сен эга бўлган нарсага етиша олмагандан;
- Сендек бўла олишмагандан;
- Сен билан алоқа ўрната олишмагандан.



414. Нимаики хоҳласанг, қўлга киритишинг мумкин. Лекин мазлумнинг бир доибади билан бор-будингдан айриласан!




415. Энг ёмон ақл (умматта раҳмат қилиб берилған) ихтилофни хилофға (низога) айлантириб юборганидир.



416. Аллоҳим! Онамга беш нарса – соғлик, узок умр, жаннат, хотиржамлик ва мендан розилик насиб қил.



417. Роббим! Бизни ғафлат пайтида түсатдан келадиган ўлимдан йирок қил.



418. Ёмон сұхбатдош билан ўтиргандан күра ёлғиз ўтирган яхши.

*Имом Шофеъий*



419. Жаннат ҳовлилари зикр билан курилади. Зикр тўхтаса, уларнинг қурилиши ҳам тўхтаб қолади.

«Субҳаналлоҳ, валҳамдуиллаах, ва лаа илааҳа иллаллоҳ, валлоҳу акбар!»




420. Куръони Карим эркак билан аёлнинг алоқасини ишқ деб эмас, меҳр деб атади. Зоро, «ишқ» сўзида шаҳват маъноси кучлироқ, «меҳр» сўзида эса инсонийлик ва мулойимлик кўпроқ.



421. Имом Шофеъий айтадилар:

«Агар Аллоҳ томон отланган бўлсанг, югур. Қийинлашса, югуришни янада тезлат. Чарчасанг, пиёда юр. Шунга ҳам қурбинг етмаса, эмаклаб бўлса ҳам юр. Лекин орқага қайта кўрма!»



422. Аллоҳга элтувчи йўл узундир. Бу йўлнинг охирига етишинг муҳим эмас, умринг шу йўлда якун топиши муҳим.



423. Аллоҳ ҳикмати билан бандага бир эшикни ёпса, раҳмати билан икки эшикни очади.


## الصيام الحقيقي . .

ليس بطلاء ولا نوما بطول النهار  
وسرور أمام التليفزيون بطول الليل..  
فالله في غنى عن مثل هذا الصيام،  
وهو يرده من صاحبه ولا يقبله

مكتوب ممدوح



424. Ҳақиқий рўза узлатга чиқиб, кун бўйи ухлаш ва туни билан телевизор қаршисида бедор бўлиш эмас. Аллоҳ бундай рўздан беҳожатдир. Уни эгасига қайтариб, рўзасини қабул қилмайди.



425. Ким сенга «Бахтли бўлиш учун бой бўлиш шарт», деб айтди? Ким сенга «Бойлар бахтли бўлади», деб айтди? Аллоҳнинг берганига рози бўлган кишигина ҳақиқий бахтиёрдир.

عندما يتقدم شاب فقير و تقى  
لخطبة فتاة لا يوافق عليه  
الأب و الفتاة و عندما  
يتقدم شاب غنى و فاسق  
يوافق عليه و يقول  
سيهديه الله  
اليس الهدى هو نفسه  
الرازق ؟؟


426. Камбағал, лекин тақводор йигит бир қизга совчиликка борса, қиз ҳам, отаси ҳам рози бўлишмайди. Бадавлат, лекин фосиқ йигит совчи бўлса, рози бўлиб, «Аллоҳ ҳидоят қилиб қолар», дейишади. Ахир ҳидоятга бошлаган Зот ризқ ҳам беради-ку!



427. Аллоҳим! Юрагимнинг сўнгги зарбини «Лаа илааҳа иллаллоҳ» шаҳодати билан қилгин!



428. Сабр күшойишнинг, яъни мушкулларнинг ечим калитидир. Ана шу калит зангламасин десанг, йиғисиз сабр қил. Роббингнинг «Сабр қилувчиларга хушхабар беринг» деган ваъдасини унутма!



429. Шифохона атрофини бир марта айланиб чиқсанг, минг марта «Алҳамдуиллаҳ» дейишинг керак бўлади.



430. Тил офатлари:

Ғийбат;


Чақимчилик;

Ёлғон;

Сўкиш;

Лаънат айтиш.

Аллоҳ таоло: «Ҳар бир обрӯ тўкувчи ва айловчига вайл бўлсин», деган.



431. Эй ҳолатларни ўзгартирувчи Аллоҳим! Ҳолатимни яхши ҳолга ўзгартир!



432. Ота-онага истиғфор айтишнинг фазилати:  
Киши жаннатдаги даражаси кўтарилиганини кўриб, «Булар менга қаердан келди?» дейди. Шунда унга: «Фарзандингнинг

сенга айтган истиғфори сабабли даражанг кўтарилид», дейилади.




433. Агар унтиш неъмати бўлмаганидами... Кўпчилик телба бўлиб қоларди!



434. Энг бахтли одам Воҳидул Аҳад сифатли Зотдан – Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан ҳеч нарсани кутмайдиган кишидир.



435. Бир ҳакимдан: «Нима учун сизга ёмонлик қилишса ҳам, яхшилик қилаверасиз?» деб сўрашди. У шундай деди: «Яхшилигим билан унинг ҳаётини афзал, ўзимнинг кунимни гўзал, тамойилларимни кучли, руҳимни тоза, нафсимни мусаффо қиласман», деб жавоб берди.




436. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам дедилар: «Қуръон соҳибига: «Қироат қилиб, қўтарилавер. Дунёда қандай тартил қилган бўлсанг, шундай тартил қил. Сенинг манзилинг охирги қироат қилган ояting маконида бўлади»,

дейилади».

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган*



437. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сенга нисбатан ўзгармайдиган инсон ажойиб инсондир.



438. Қанийди бутун дунё «حرب» (уруш) сўзидағи «ро» ҳарфини ўчириб ташласа! Ҳамма тинч-омон яшар эди.

(«حرب» сўзидағи «ро» ҳарфи олиб ташланса, «حب» «мехр-муҳаббат» сўзи ҳосил бўлади)



439. Олдингга узр сўраб келган кишини хорлама! Узр сўрагандаги хорлиги унга кифоя қилади.

سأله حكيم،  
 لماذا لا تنتقم ممن  
 يسيرون إليك ؟؟  
 رد ضاحكا :  
 وهل من الحكمة  
 أن أعض كلبا  
 عضني !!

440. Бир ҳаким зотдан: «Нима учун сизга ёмонлик қилган кишидан ўч олмайсиз?» деб сўрашди. Донишманд табассум билан деди: «Ит мени тишласа, мен ҳам уни тишлашим керакми?»



441. Қүёш қиздирған, жазирама иссиқ кунда қайта тирилиш кунини эсла ва Аллоҳдан Аршининг соясини, шифти остидаги мақомни сўра!

Аллоҳим! Кундузлари соим, кечалари қоим бўлишда, кўзни тийиш, тилни саклашда бизга Ўзинг ёрдамчи бўл!



442. Аллоҳим, бизга чинакам иймон ато қил!



443. Ғам-ташвишларимни күп истиғфор айтиш билан енгаман.



444. Мана шу ерда, саждада умримга хотима ясалишини орзу қиласман.